

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,
дилида - поклик бўлиши шарт.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

8/2018

ISSN 2181-8991

ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

*Козимджан КАМИЛОВ
Баходир ДЕХҚАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ
Ибрагим АЛИМОВ
Нематжон АКБАРОВ
Шахноза АХАТОВА
Олим ХАЛМИРЗАЕВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ
Азиз МИРЗАЕВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир
Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

Масъул котиб
Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй
Х/р 20210000300101763001
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали
МФО 00850, СТИР 201403038
ТЕЛЕФОН: 278-96-54, 278-91-96,
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60
Email: Os_odilsudlov@umail.uz
Email: Os_odilsudlov@sud.uz

Босишга 2018 йил 16 августда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — Нашр адади 6982 нусха.

Навбатчи муҳаррир
Муталиф СОДИҚОВ

ИНДЕКС:
*якка тартибдаги обуначилар
учун — 908;
ташкilotлар учун — 909.*

Сотувда келишилган нархда

*«ADAD PLYUS» масъулияти чекланган
жамияти босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси 28-уй*

ҚОНУНЧИЛИК ВА РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.....3

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.....7

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

М. Қаландарова. Суд ҳокимияти органларига ишончни оширишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.....24

И. Қурбонова. Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлида.....26

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

А. Утаев. Жиноят ишини суд мажлисида кўриш тартиби ва муддатлари.....29

М. Байниязов. Инсон ҳуқуқларига дахлдор ўзгаришлар.....31

ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН

Н. Бегимова. Иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....34

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ

Ж. Хусайнов. Корпоратив низоларни судда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари.....37

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН

М. Астанов. Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процесуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари.....40

Р. Бердияров, Б. Султонов. Қонунга хилоф ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилади.....45

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

И. Болтаходжаева. Боланинг хоҳиши суд учун ҳам муҳим.....48

И. Шоймардонова. Фарзандликка олиш.....50

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ш. Эрматова. Меҳр-оқибатдан узоқлашдикми?.....53

СУД ОЧЕРКИ

И. Маманов. Ҳаққим борми сени, Ватан дейишга.....55

31-АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ


С. Содикова. Истибоддан истиклолгача.....59

АХБОРОТ

Терроризмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.....63

ТАДБИРКОР ВА ҲУҚУҚ.....64

ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....118



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИГА ИШОНЧНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди, суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, маъмурий судлар ташкил этилди, шунингдек, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий этилди.

Барча тоифадаги суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиклигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чора бўлди.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти органлари фаолиятининг таҳлили улар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаяпти ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келмоқда.

Судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келмоқда.

Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Рес-

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 14 шолда эълон қилинган.

публикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг қуйидагилар орқали суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш;

судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида **ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга қўмаклашувчи комиссиялар** тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши ва Молия вазирлигининг:

судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлаш бўйича амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш;

Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарималар тўлашдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг, қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини ундириш бундан мустасно, 40 фоизи миқдорида ажратмалар белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар судьялари ва ходимлари ҳамда Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 1 – 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан бошлаб:

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фао-

лиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим баравар миқдорда қўлланилади;

малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлган судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорда устама тўланади;

судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун, лавозим маошларига (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) устамалар ҳамда малака даражаси ва мансаб даражаси учун қўшимча ҳақ миқдорлари адлия органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилади.

Ушбу банднинг амал қилиши давлат органлари ва ташкилотларидаги лавозимларга белгиланган тартибда, шу жумладан, ушбу Фармон кучга киргунга қадар сайланган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тайинланган, шунингдек, судьялик малака даражаларига эга судьяларга ушбу давлат органлари ва ташкилотларида назарда тутилган барча устамалар ва қўшимча ҳақларни сақлаб қолган ҳолда татбиқ этилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисида кўрсатилган судьяларнинг давлат органлари ва ташкилотларида ишлаган вақти уларнинг ушбу орган ва ташкилотлардаги меҳнат фаолияти бошланган пайтдан бошлаб судьялик стажига киритилади.

6. Ушбу Фармоннинг 5-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар:

судлар, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари учун – Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

судьялар орасидан сайланган ёки тайинланган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари ва ходимлари учун – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Олий суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ва ходимларига Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 100 фоизигача миқдорда устама (пул таъминоти) тўлаш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, махсус унвон ва даражалар мавжуд бўлиши назарда ту-

тилган назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан тайинланган (сайланган) судьяларга малака даражалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда 6-иловага мувофиқ судьялар малака даражаларининг бошқа органлар унвонлари ва даражаларига нисбатини ҳисобга олган ҳолда, лекин эгаллаб турилган лавозим учун назарда тутилганидан юқори бўлмаган ҳолда берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди икки ой муддатда:

а) Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига судьялар ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурталаш тартиби, шунингдек, уларнинг пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ва тартиби тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини киритсин;

б) Марказий банк билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларга автомобиллар сотиб олиш учун, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қуйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига эса уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар тақдим этишни назарда тутадиган таклифларни киритсин;

в) Судьялар олий кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164-II-сонли қарори билан тасдиқланган Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.


13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Ф. Камилов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 июль



ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
ҚАРОРИ*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 19 май

16-сонли

Тошкент шаҳри

Қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори:

1.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.2. Ҳарбий жиноятларнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари (Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлигининг қоровул кўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш кўмитаси), Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар бўлиши мумкин»;

7-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати, Республика Ҳарбий суди» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 2002 йил 14 июндаги 9-сонли қарори:

1-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади. Жамоат тартиби қўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланади»;

2-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Майда безорилик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида берилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш, фуқароларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бошқача тарзда бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланади. Бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак. Гуруҳ томонидан содир этилган майда безориликни, башарти, ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатида Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми аломатлари бўлмаса, Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан квалификация қилиш мумкин эмас»;

6-банди қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи химоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди»;

6-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномаси ёки айблов хулосасида, суд эса айблов ҳукмида айнан қайси белгиларига кўра айбдорнинг қилмиши Жиноят кодекси 277-моддасининг тегишли қисми ва бандлари билан квалификация қилинганлигини кўрсатиши шарт.

Агар суд, судланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловни оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий ҳолатларга кўра айблов далолатномаси ёки айблов хулосасида назарда тутилгани-

дан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш, бошқа шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар мавжуд деган фикрга келса, Жиноят-процессуал кодексининг 416 ва 417-моддаларига мувофиқ қарор қабул қилади»;

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Судлар безорилик жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларидан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқишлари лозим».

3. «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли қарори:

8-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради».

4. «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори:

10-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шунинг учун, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов далолатномасида, айблов ҳулосасида ва суд ҳукмида Жиноят-процессуал кодексининг 360, 361, 379, 381-12, 467-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилиши керак»;

11-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш бўйича ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган шахслар тоифаси ЖПК 49-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган. Улар жумласига, хусусан, адвокатлар ҳамда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошларидан бири ёки қонуний вакиллари киради. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндоши ёки қонуний вакили иш бўйича ҳимоячи сифатида фақат адвокат билан бирга қатнашишига йўл қўйилади»;

14-бандининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судида қўрилаётган ишларда, шунингдек ҳимоячидан воз кечиш тўғрисида ноиложликдан (ҳимоячининг меҳнатига ҳақ тўлаш имкониятининг йўқлиги, иш бўйича ҳимоячининг ҳозир бўлмаслиги

ва ҳ.к.) арз қилинган ҳолларда ҳам ҳимоячидан воз кечиш қабул қилинмаслиги мумкин»;

16-бандининг иккинчи хатбошисидаги «қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини» деган сўзлар «қамокқа олиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасида назарда тутилган ҳолларда апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди мажлисида ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт.

Маҳкум ҳимоячидан воз кечган ҳолларда, агар бу суд томонидан ЖПК 52-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда қабул қилинган бўлса, апелляция, кассация, назорат инстанцияси судида ишни ҳимоячи иштирокисиз кўришга йўл қўйилади»;

31-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЖПК 50-моддасига асосан юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад ушбу масала кўрилаётган вақт учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим бараваридан ортик бўлмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи озод қилинади. Ялпи ойлик даромад тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 2 декабрда 1878-сон билан рўйхатга олинган Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги 8, 109-сонли қарори билан тасдиқланган Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандида белгиланган тартибда ҳал этилади».

5. «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2004 йил 21 майдаги 4-сонли қарори:

9-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЖК 167, 168, 180, 181, 181-1, 184, 185-2, 192-4, 192-11-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун – жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда»;

15-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Моддий жавобгарлик тури, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш усулини белгилашга оид масалаларни ҳал этишда Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарорида берилган тушунтиришлардан келиб чиқиш лозим»;

19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Судлар шуни эътиборга олиши лозимки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят-

ларга оид ишлар бўйича моддий зарар қопланганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг тайинланиши, маҳкум жаримани тўлашдан ёки мажбурий жамоат ишлари ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, бу жазони яна озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазоси билан алмаштириш имкониятини истисно этмайди».

6. «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли қарори:

23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Суд ЖПК 415–417-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 97-моддаси биринчи қисмидан иккинчи қисмига ва иккинчи қисмининг бир бандидан бошқа бандига қайта квалификация қилишга ҳақли».

7. «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори:

12-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тариқасидаги жазолар – ЖК 82, 83 ва 84-1-моддаларида назарда тутилган муддат ва миқдорлардан»;

17-бандидан кейин қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони қўллаш бўйича

17-1. Мажбурий жамоат ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда, бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача (вояга етмаганларга нисбатан – олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача) бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида қунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари, шунингдек ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ва 82-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда илгари тайинланган жарима жазосини алмаштириш тартибида ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг энг кам муддати тўланмаган жарима суммасидан келиб чиқиб, бир юз йигирма соатдан (вояга етмаганларга нисбатан – олтмиш соатдан) камроқ бўлиши мумкин, бироқ тўрт юз саксон соатдан (вояга етмаганларга нисбатан-икки юз қирқ соатдан) ошмаслиги лозим.

17-2. Қонунга кўра, мажбурий жамоат ишлари қуйидагиларга қўлланилмайди: пенсия ёшига етган (60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар) шахсларга; 16 ёшга тўлмаган шахсларга;

меҳнатга қобилиятсиз (белгиланган тартибда биринчи, иккинчи гуруҳ ногирони деб топилган) шахсларга;

хомиладор ва уч ёшгача боласи бор аёлларга, шунингдек уч ёшгача бўлган

болани фарзандликка олган ёки унга нисбатан васий бўлган шахсларга;

ҳарбий хизматчиларга;

чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга.

17-3. Мажбурий жамоат ишлари, одатда, ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари муддатларига оид масалани ҳал этишда судлар судланувчида иш ёки ўқиш жойи, доимий яшаш (айниқса вояга етмаганларда) жойи бор-йўқлигини аниқлашлари лозим.

Жиноят кодексининг бир неча моддаси бўйича мажбурий жамоат ишлари тайинланаётганда, жазо муддати ҳар бир модда бўйича алоҳида, сўнгра эса, уларнинг мажмуи бўйича белгиланади. Бунда жазонинг узил-кесил муддати ЖК 45-1-моддасида белгиланган чегарадан ошиши мумкин эмас.

17-4. Қонун мазмунига кўра, (ЖК 45-1-моддасининг бешинчи қисми) тайинланган мажбурий жамоат ишлари муддатини ўташдан бўйин товлаганда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

17-5. Мажбурий жамоат ишларини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштириш масаласини ҳал қилишда, суд, мажбурий жамоат ишлари ижросини амалга оширувчи орган томонидан ушбу жазо ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилганлиги, маҳкум қонун талабига мувофиқ жазони ўташдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ҳақида берилган маълумотларга эга бўлиши лозим.

Агар тақдим этилган ҳужжатларда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, судья тегишли текшириш ўтказиш учун ҳужжатларни ушбу жазо ижросини амалга оширувчи органга юбориш ҳақида ажрим чиқаради.

17-6. ЖПК 541, 542-моддаларига мувофиқ мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган қисмини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги ишлар суд мажлисида, одатда, маҳкум иштирокида кўрилиши лозим. Бу масала маҳкум яшириниб юрганлиги ёки судга келишдан бўйин товлаётганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар ишда мавжуд бўлган ҳолдагина унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин.

Агар мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган қисмини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақидаги материални кўриш вақтида ЖПК 533-моддасида кўрсатилган ҳолатлар аниқланса, суд ҳукмининг ижросини кечик-

тириш масаласини муҳокама қилиши шарт»;

21-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги мазмунда баён этилсин:

«Вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ушбу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради (ЖК 83-моддасининг иккинчи қисми)»;

«Қамоқ тариқасидаги жазони қўллаш бўйича» бўлими чиқариб ташлансин;

25-1-бандининг учинчи хатбошисидаги «Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга» деган сўзлар «Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27-бандининг иккинчи хатбошисидаги «олти ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга» деган сўзлар «бир ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27-банди куйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ЖК 45-1-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони алмаштириш тартибида, – бир ойдан камроқ муддатга тайинланиши мумкин»;

27-бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

27-бандининг олтинчи хатбошисидаги «олти ойдан камроқ муддатга» деган сўзлар «бир ойдан камроқ муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38-бандидаги «жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44–49-моддаларига риоя қилинган ҳолда тайинланиши мумкин» деган сўзлар «жумладан, жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар ЖК 44–49-моддаларига риоя қилинган ҳолда тайинланиши мумкин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48-банди куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Шуни назарда тутиш лозимки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланишига йўл қўйилмайди, одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно (ЖК 45-моддаси бешинчи қисми)»;

58-бандининг учинчи хатбошисидаги «қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши» деган сўзлар «тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:».

8. «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2006 йил 22 декабрдаги 16-сонли қарори:

24-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖК 77-моддаси, ЖИК 5-моддасига мувофиқ қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс жазо ўтовчи ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукм қонуний кучга киргунга қадар намоён этган хулқ-атвори уни жазони ўташ тартибини муттасил бузувчи деб топиш масаласи ҳал этилаётган пайтда инobatга олиниши мумкин эмас. Ушбу қоида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган вақтда янги жиноят содир этганлиги учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди»;

30-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Агар суд амнистия актини қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўллаган бўлса, апелляция, кассация инстанцияси жабрланувчининг шикояти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукмнинг жазо тайинлаш қисмини бекор қилиб, қонунга мувофиқ қарор қабул қилади.

Бироқ, агар апелляция, кассация, назорат инстанцияси амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, ҳукмни ўзгартиришга – ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда белгиланган муддат (миқдор) доирасида жазо тайинлашга ҳақли.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ЖПК 500, 513-моддаларида белгиланган бир йиллик муддат амнистия акти қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан асоссиз қўлланилган ҳолларга ҳам тааллуқлидир. Бундай ҳолларда юқори инстанция суди ҳукмни ўзгартиришга – ундан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли».

9. «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» 2007 йил 14 ноябрдаги 16-сонли қарори:

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунга қўра, судларнинг ваколатига нафақат ишни судга қадар юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш юзасидан қарор қабул қилиш, балки ЖПК 243-моддаси ўнинчи қисми 2-1-бандида назарда тутилган ҳолларда, бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқи ҳам киради»;

4-бандининг иккинчи-олтинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинган; ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаган; илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилган; ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган;

жиноят озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилган ҳолларда қўлланилиши мумкин»;

6-бандининг тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушлаб туриш вақти ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб ҳисобланиши керак»;

8-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи, терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236, 242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли»;

9-бандининг учинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида саккиз соат олдин тақдим этилади. Материалга қўшилган ҳужжатлар нусхаси суриштирувчи ёки прокурор томонидан тасдиқланган ва муҳр қўйилган бўлиши зарур»;

11-бандининг биринчи хатбошисидаги «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг» деган сўзлар «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайтдан эътиборан саккиз соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам саккиз соат ичида кўриб чиқилиши лозим»;

13-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунга кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, химоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда гумон қилинувчи ёки айбланув-

чининг қонуний вакили (агар у ишда қатнашаётган бўлса) ва суриштирувчи, терговчи иштирок этиши мумкин. Зарурат туғилганда суд мажлисига суриштирувчи, терговчи таклиф қилиниши мумкин.

Қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, айбланувчи ва ҳимоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўрилади. Бундай илтимосномани суд мажлисида кўришда суриштирувчи, терговчи ҳам иштирок этиши мумкин. Зарурат туғилганда суд мажлисига суриштирувчи, терговчи таклиф қилиниши мумкин»;

16-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтиришнинг заруратини асослаб беради. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради»;

23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Илтимоснома қаноатлантирилмай қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганда, гумон қилинувчи, айбланувчи (ушлаб туриш охири муддати тугаган ёки тугамаганлигидан қатъи назар,) унга нисбатан ЖПК 243-моддаси ўнинчи қисми 2-1-бандида назарда тутилган эҳтиёт чораларидан бирини қўллаган ҳолда суд залида қамоқдан озод қилинади»;

30-бандининг иккинчи хатбошисидаги учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд зарурат юзага келганда суриштирувчи, терговчини эшитади, тақдим этилган материалларни текширади»;

31-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Апелляция инстанцияси суди қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўриб чиқиб, ўзининг ажрими билан ЖПК 243-моддасининг ўн учинчи қисмида назарда тутилган қарорлардан бирини қабул қилади.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими прокурорга ижро қилиш учун, суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига – маълумот учун тақдим этилади».

10. «Бир неча жинойт содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида» 2008 йил 15 майдаги 13-сонли қарори:

20-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жинойт қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс илгари судланган жинойтларга айнан ўхшаш бўлмаган янги жинойтнинг қасддан содир этилиши ҳам хавфли рецидив жинойт деб топилади (масалан, ЖК 105, 118, 119, 210, 211, 212, 274, 276-моддалари иккинчи қисмлари, 104, 164, 213, 214,

273-моддалари учинчи қисмлари, 131-моддаси тўртинчи қисми)»;

23-бандининг рус тили матнидаги «ЖК 59-моддаси олтинчи қисми» деган сўзлар «ЖК 59-моддаси саккизинчи қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31-бандидаги «Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. «Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2008 йил 12 декабрдаги 23-сонли қарори:

27-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. «Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жинойий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2009 йил 10 апрелдаги 7-сонли қарори:

2-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят кодекси 232-моддаси диспозициясида назарда тутилган суд ҳужжати деганда, қонуний кучга кирган суд буйруғи, ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм тушунилиши лозим»;

4-бандининг иккинчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандининг биринчи ва учинчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандининг иккинчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Куйидагилар шахсни ЖК 122-моддасига мувофиқ жинойий жавобгарликка тортиш шартлари ҳисобланади:

моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлаш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи мавжудлиги;

бундай шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун шахсга нисба-

тан муқаддам маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги;

ушбу маблағ жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўланмаслиги»;

15-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Суриштирув, тергов органлари ва судларга тушунтирилсинки, шахсни во-
яга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин тов-
лаганлик, шунингдек ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товланганлик учун
жиноий жавобгарликка тортиш учун қарздорликнинг умумий муддати кетма-
кетлигидан қатъи назар, икки ойдан ортиқ бўлиши лозим.

Бунда, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлаш-
дан бўйин товланган деб, шахснинг суд ҳужжатида белгиланган алимент миқдорини
тўлиқ ҳажмда тўламаслиги ҳолати ҳам тушунилиши лозим.

Қонунга кўра, агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ
тўласа, у жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим»;

20-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий
суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13. «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қонди-
ришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2010 йил 29 октябрдаги
13-сонли қарори:**

19-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий
суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид
ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2011 йил
11 февралдаги 1-сонли қарори:**

10-бандидаги «Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий
суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тарти-
бини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2011 йил 25 ноябр-
даги 9-сонли қарори:**

12-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан жиноят-процессуал қонуни
талабларига риоя этилмаслиги ишнинг ЖПК 416 ва 417-моддалари талабларидан
келиб чиқиб ҳал қилинишига сабаб бўлади»;

14-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий
суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. «Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2012 йил 13 декабрдаги 17-сонли қарори:

2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) жиноят қуроли – ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар (масалан, одам ўлдириш қуроллари, кимматликларни талон-торож қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўкотар қурол, браконьерлик қуроллари - қопқонлар, тўрлар, сохта хужжат ва ҳ.к.), шунингдек жиноий мақсадга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк (масалан, транспорт воситалари);»;

9-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жиноят қуроллари – гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлганда мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулкнинг қонуний эгалари, мулкдорлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари, худди шунингдек меросхўрлари аниқланмаган тақдирда, ушбу мол-мулк давлат даромадига ўтказилади;»;

12-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида» 2013 йил 31 майдаги 8-сонли қарори:

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. МЖТК 174-моддасининг биринчи қисми, ЖК 184-моддасининг биринчи қисми диспозицияси бланкет (ҳаволаки) бўлиб, шу сабабли «даромадлар», «фойда», «солиқ солинадиган объектлар», «солиқлар», «бошқа мажбурий тўловлар» каби тушунчалар мазмунини аниқлаш учун қилмиш содир этилган пайтда амалда бўлган Солиқ кодекси (бундан буён матнда – СК) нормаларидан келиб чиқиш лозим.

СК 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқларга қуйидагилар қиради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) кўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

- б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

СКда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин (ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тadbиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ).

Бошқа мажбурий тўловларга (СК 23-моддаси учинчи қисми) қуйидагилар қиради:

- 1) давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:
ягона ижтимоий тўлов;
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг суғурта бадаллари;
давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;
Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
- 2) давлат божи;
- 3) божхона тўловлари;
- 4) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Қонунга кўра (СК 23-моддаси еттинчи қисми), давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади»;

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш шахс томонидан солиққа оид қонунчиликнинг муайян нормаси талабларини бажармаслик билан боғлиқ. Шу туфайли, ЖК 184-моддасида назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шахсни айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорда, айблов далолатномасида, айблов хулосаси ва айблов ҳукмида айбланувчи ёки судланувчи томонидан солиққа оид қонунчиликнинг жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган айнан қайси нормаси талаблари бузилганлиги кўрсатилиши шартлигига қаратилсин»;

20-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли қарори:

20-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиё-тининг айрим масалалари тўғрисида» 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли қарори:

15-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. «Суд ҳукми тўғрисида» 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарори:

6-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган хулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади, бу ЖПК 464-моддаси мазмунидан келиб чиқади»;

24-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланади. Бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши керак. Суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳ.к.) белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи далилларни келтириши шарт.

ЖПК 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши керак.

ЖПК 415-моддасига биноан суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятни квалификацияловчи белгилари чиқариб ташланади.

Суд ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан эълон қилинган айбни ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли»;

25-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Суд судланувчига аввал эълон қилинган айбни жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатиладиган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ЖК моддасига (ЖК 105-моддасининг биринчи қисмида, 109-моддасида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111-моддасида, 118-моддасининг биринчи қисмида, 119-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасида, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141-1-моддасининг биринчи қисмида, 149-моддасида, 167, 170, 172, 173-моддалари) ўзгартириш зарурлиги тўғрисида хулосага келганда, жабрланувчининг судланувчини жинойий жавобгар-

ликка тортиш ҳақидаги аризаси ишда мавжуд-мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, қарор қабул қилади»;

29-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агарда ЖК моддасининг санкциясида асосий жазо билан бирга мажбурий қўшимча жазони қўллаш кўзда тутилган бўлса, суд томонидан қўшимча жазо фақат ЖК 45-моддасининг бешинчи қисми ва 57-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қўлланмаслиги мумкин».

21. «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2015 йил 26 июндаги 10-сонли қарори:

19-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

27-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишларни кўришда мазкур жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалаларни ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли, шунингдек «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорларида баён этилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим».

22. «Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2015 йил 18 сентябрдаги 13-сонли қарори:

7-бандининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Масалан, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазола-рига қўшимча сифатида муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган ҳолда, бу жазо қайд этилган асосий жазоларни ўташнинг барча вақтига татбиқ этилиб, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари эса қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайтдан бошлаб ҳисобланади»;

14-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. «Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори:

10-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим»;

10-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

18-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулкий зиён миқдорининг ўзгартирилиши жиноят квалификациясига ёки айблов ҳажми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган даражада ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолларда, башарти шу асосларга кўра прокурор протести ёки жабрланувчи (унинг вакили) томонидан шикоят келтирилган бўлса, ҳукм ўзгартирилиб, тегишлича жиноят квалификацияси ёки айб ҳажми ўзгартирилади.»;

21-бандидаги «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Олий судлари» деган сўзлар «жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. «Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги 27-сонли қарори:

20-бандидаги «Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. «Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги 28-сонли қарори:

30-бандидаги «Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ



СУДГА ИШОНЧНИ ОШИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАРИ

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Асосий мақсад фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришдан иборатдир.

Суднинг том маънода «Адолат қўрғони»га айланиши йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди. 2018 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ҳозирги шиддатли давр ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун халқ билан кўпроқ ва очиқ мулоқот қилишни тақозо этмоқда.

Зотан, Фармонда судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётгани ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётгани таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келаётгани қайд этилган.

Эндиликда, ушбу Фармон билан одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари

ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

Қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилиши суд амалиётига жорий этилади.

Судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорлари ҳар чоракда эълон қилинади.

Фармонга мувофиқ 2018 йил 1 августдан бошлаб судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг лавозим маоши сезиларли даражада оширилди. Шунингдек, малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлганларга устама тўланади.

Олий суд ва унинг ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ва ходимларига Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда устама тўлаш имконияти яратилмоқда.

Умуман, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳамда юридик шахслар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг мустаҳкам тизimini яратиб беришга асос бўлди.

М. ҚАЛАНДАРОВА,
Тошкент шаҳар иқтисодий суди
судьяси, юридик фанлар номзоди

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суд тизимини тубдан такомиллаштириш, фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашнинг янги босқичини бошлаб берди.

СУДЛАРНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Суд ҳокимиятининг олий органи сифатида ягона Олий суд ташкил этилди, унинг таркибида маъмурий ва иқтисодий судлар ташкил этилди, судьялик лавозимига муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби жорий қилинди. Шунингдек, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги Фармонида соҳадаги бир қатор камчиликлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келаётганлигига эътибор қаратилди.

Ушбу камчиликлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигига салбий таъсир кўрсатиб, кенг аҳоли орасида судга бўлган ишончнинг етарли даражада юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Одил суд-

ловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад судларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ва эътиборини ошириш, қарорларнинг қонуний ва асослантирилган бўлишини таъминлашдан иборат. Бунда, албатта, шахсий дахлсизлик ва шахсий маълумотларнинг ошкор этилмаслиги тўла кафолатланади. Хусусан, эълон қилинаётган суд ҳужжатида фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар ўзгартирилади;

иккинчидан, қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига тушунтирилишини суд амалиётига жорий этиш кўзда тутилмоқда. Маълумки, суд мажлиси яқунланган судья томонидан суд ҳужжати (ҳал қилув қарори, ҳукм, қарор, ажрим ва ҳоказо) қабул қилинади. Унинг мазмуни ҳар доим ҳам тарафлар учун тушунарли бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли, суд нима учун айнан шундай тўхтамга келганлигини, ушбу ҳужжат суд процесси иштирокчилари учун қандай оқибатларга олиб келиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қай даражада таъсир этиши батафсил тушунтирилиши лозим;

учинчидан, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш назарда тутилмоқда. Бизга маълумки, очиқлик ва ошкоралик ҳар қандай ҳокимиятга бўлган ишончнинг асосий кафолатидир. Шу сабабли, суд ҳокимиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, унинг халққа ҳисобдорлигини кафолатлаш мақсадида ўрта бўғин (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) жинойт ва фуқаролик ишлари бўйича судлари, иқтисодий ва маъмурий судлар раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан оммавий ахборот воситалари иштирокида чораклик ҳисоботни эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия тузиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлаш бўйича амалдаги имтиёзлар ва давлат божлари ставкаларини қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилмоқда. Қонунчиликда айрим тоифадаги шахсларга имтиёз ва преференцияларнинг берилиши қонун олдида тенглик ва судга мурожаат қилиш имко-

ниятининг ҳамма учун бир хилда таъминлаш принципларига зид ҳисобланади. Шу сабабли, давлат божларини тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланиш бўйича суиистеъмолликларнинг олдини олувчи механизм яратиш лозим.

Фармон билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий, иктисодий ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарималар тўлашдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг, шунингдек ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг 40 фоизи миқдорида ажратмалар белгилаш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

2018 йил 1 августдан бошлаб, ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, судьялар ва суд аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади.

Малака ва мансаб даражасига эга бўлган судьялар ва суд аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама тўланади.

Судьялар ва суд аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун, лавозим маошларига (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) устамалар ҳамда малака даражаси ва мансаб учун қўшимча ҳақ миқдорлари адлия органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилади.

Шунингдек, Олий суд раисига Олий суд ва Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ва ходимларига Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча устама (пул таъминоти) тўлаш ҳуқуқи берилди.

Бу каби ўзгаришлар судьялар мустақиллигини мустаҳкамлашга, судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

И. ҚУРБОНОВА,
Зангиота туманлараро
иктисодий суди судьяси

ЖИНОЯТ ИШИНИ СУД МАЖЛИСИДА КЎРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Жиноят ишларини суд мажлисида кўриб чиқиш жиноят процессининг муҳим босқичидир. Мазкур босқичда суд судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги, шунингдек унга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилади.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қайд этилишича, суд мажлиси ишни судда кўриш учун очиладиган мажлис ҳисобланади.

Илмий манбаларда ҳам ушбу тушунчага таъриф берилган. Хусусан, айрим муаллифларнинг фикрича, суд мажлиси жиноят ишлари бўйича одил судловнинг асосий шакли бўлиб, жиноят ишлари фақатгина суд мажлисида кўриб чиқилганидан кейин судланувчи жиноят содир этишда айбдор деб топилиши ва қилмиши учун унга жазо тайинланиши мумкин.

Демак, жиноят иши бўйича суд мажлиси деганда, иш юритишнинг суд босқичида жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиш ва ҳал этишга ёки иш юзасидан бошқа ташкилий масалаларни ечишга қаратилган ҳамда судья раислигида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда ўтказиладиган мажлис тушунилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноят ишини суд мажлисида кўриш ҳукм ёки бошқа суд ҳужжати чиқарилиши билан тамом бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноят ишлари биринчи инстанция судларида, апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилади.

Биринчи инстанция судида иш юритиш судьянинг келиб тушган иш билан танишиши ҳамда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишидан бошланади:

- жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- иш юритишни тўхтатиш тўғрисида;
- жиноят ишини тугатиш тўғрисида;

- дастлабки тергов ёки суриштирувнинг техник йўсиндаги камчиликларини бар- тараф этиш учун ишни айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномасини тасдиқлаган прокурорга юбориш тўғрисида.

Санаб ўтилган барча масалаларни судья яқка ўзи ҳал қилади, яъни бу ерда иштирокчиларнинг алоҳида таркиби, уларнинг ўзига хос ҳаракатлари ҳамда иштирокчилар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар йўқ. Шунинг учун Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашнинг ҳал қилиниши мустақил босқич деб ҳисобланиши мумкин эмас. У фақат суд муҳокамаси босқичига улашиб кетадиган муддатдир. Аввал бу босқич «судга бериш» деб аталар эди. Кўплаб олимларнинг фикрича, бу таъриф мазкур босқич унинг мазмуни ва мақсадини аниқроқ акс эттиради.

Судларда жиноят ишларини кўришда муддатлар масаласига оидинлик киритишда

жиноят иши айблов далолатномаси ёки айблов хулосаси билан тасдиқланиб юборилганлигини эътиборга олиш лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 405¹-моддасида айблов далолатномаси билан келган жиноят ишининг судда кўриб чиқиш муддатлари белгиланган.

Айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги керак.

Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди.

Юқорида белгиланган бир ойлик муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан икки ойгача узайтирилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, айблов хулосаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Жиноят-процессуал кодексининг 483-моддасига кўра, апелляция, кассация инстанцияси суди жиноят ишини шикоят ёки протест билан иш келиб тушган кундан эътиборан ўн беш суткадан, назорат инстанцияси суди эса, бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқишга киришиши керак. Иш ўта мураккаб бўлган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суд раиси бу муддатни кўпи билан ўн беш суткага, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосари эса, кўпи билан бир ойга узайтириши мумкин. Ишни кўриш муддати узайтирилганлиги ҳақида процесс иштирокчилари хабардор қилиниши лозим. Юқори суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш давомийлиги уни кўриб чиқиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги керак.

Жиноят-процессуал кодексининг жиноят судларида ишларни юритиш тартибига бағишланган 424-моддасида белгиланганидек, судьялар кириб келаётганда суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ўринларидан турадилар.

Суд процессининг барча иштирокчилари судга тик турган ҳолда муурожаат қиладилар, кўрсатувлар берадилар ва баёнотлар қиладилар. Ушбу қоидадан фақат раислик қилувчининг руҳсати билангина четга чиқилиши мумкин.

Суд процессининг барча иштирокчилари, шунингдек суд залида ҳозир бўлган барча шахслар раислик қилувчининг суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилиш тўғрисидаги фармойишларини сўзсиз бажаришлари лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахслар, башарти улар судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ бўлмасалар, суд мажлиси залига киритилмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, судлар жиноят ишларини суд муҳокамасида кўриб чиқиш пайтида Жиноят-процессуал кодексидан белгиланган қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт.

**А. УТАЕВ,
Олий суд судьяси**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ДАХЛДОР ЎЗГАРИШЛАР

Маълумки, 2018 йил 4 апрелда «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чоратадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 2 та модда билан тўлдирилди, унинг 3 та моддасидаги санкциялар кучайтирилди, Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 87-моддасига ҳам ўзгартиш киритилди.

Жумладан, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозимлиги белгиланди.

Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

ЖПКнинг 91-моддасига ўзгартиш киритилиб, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ЖПК «Далилларнинг мақбул эмаслиги» деб номланган 95¹-модда билан тўлдирилди.

Мазкур модда талабига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга ҳилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олин-

ган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг химояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган қонун бузилиши нимада ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантйрилган қарор қабул қилиши шарт.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан ЖПК нормалари бузилган ҳолда олинган кўрсатувлардан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланиш тақиқланади.

2018 йил 18 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан ҳам Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодексининг 62-моддаси янги таҳрирда баён қилиниб, ушбу ўзгартишга мувофиқ судлар томонидан жиноят ишлари бўйича жазо

тайинлаш вақтида ушлаб турилган ва уй қамоғида бўлган муддатлар тайинланган жазолардан олиб ташланиб ҳисобланадиган бўлди. Аввал бу муддатлар фақат дастлабки қамоқ жазосини тайинлашда қўшиб ҳисобланган.

ЖПКга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларга қўшимча чеклов ўрнатиш тартиби белгиланди. ЖПК 242¹-моддасида уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларга муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш, ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш ва уй-жойни тарк этиш чекловларига қўшимча чеклов белгиланадиган бўлди.

ЖПКнинг 242¹-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳимоячи, қонуний вакил, белгиланган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси зиммасига юклатилган орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд билан сўзлашиш, шунингдек зарурият юзага келган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, тез тиббий ёрдамни, ёнгин хавфсизлиги хизматини, қутқарув хизматини ва бошқа шошилиш хизматларни чақириш учун телефон алоқасидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз яшаш жойидаги уй қамоғини ижро этиш зиммасига юклатилган ички ишлар органига ҳар бир шундай кўнғирок ҳақида хабар бериши белгиланди.

ЖПКнинг 19, 114, 418 ва 426-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, жиноят иши бўйича гувоҳ ва жабрланувчилар суд мажлисида узрли сабабларга кўра келмаган тақдирда суднинг ташаббуси ёки процесс иштирокчиларининг илтимосномаси билан видеоконференц-алоқа воситаси орқали сўроқ қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликка киритилган ушбу ўзгартиришлар фуқароларнинг қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилгандир.

М. БАЙНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
жиноят ишлари бўйича
суди судьяси

ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ВА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатга кўра, шунингдек аризачилар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар иқтисодий суд процессида ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар иқтисодий суд иш юритувининг бошқа қатнашчиларига нисбатан ўзига хос характерли аломатларга эга. Хусусан, суд кўриб чиқаётган ишдан уларнинг аниқ бир юридик манфаатдорлиги мавжуд бўлади.

Ишда иштирок этувчи шахслар рўйхатига даъвогар, аризачи, суд томонидан жалб қилинган субъектлар, хусусан жавобгар, учинчи шахслар, прокурор, давлат ва жамият манфаатини ҳимоя қилувчи давлат ва бошқа органлар вакиллари киради.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 42-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш, рад қилиш тўғрисида ариза бериш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, хулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда ушбу Кодексда ўзларига берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар, аризачи ва жавобгар иқтисодий судлов ишларини юритишда тарафлар ҳисобланади.

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар ишга киришиши мумкин. Улар даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларини бажарадилар. Фақатгина низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этиш бу мажбуриятларга кирмайди.

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори қабул қилгунига қадар даъвогар ёки жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин.

Улар даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битимини тузиш, қарши даъво тақдим этиш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқидан ташқари тарафларнинг қолган барча

ҳуқуқларидан фойдаланади ва процессуал мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Прокурор барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли. Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига даъво аризани, аризани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ёки прокурор ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар иқтисодий судларига эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ёки уларнинг ўринбосарлари тақдим этади.

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъво ариза бўйича қўзғатилган ишлардан ташқари, бошқа даъвогарлар томонидан тақдим этилган ишларда иштирок этганда ишнинг мазмуни бўйича фикрини баён қилади.

Фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво ариза (ариза) тақдим этган прокурор келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари даъвогарнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Прокурорнинг ўз даъвосидан воз кечиши даъвогарни ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди ва прокурор томонидан даъвогарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида тақдим этилган даъводан даъвогар воз кечган ҳолларда суд даъво аризани кўрмасдан қолдиради.

Давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахсларнинг, фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво ариза (ариза) тақдим этиши мумкин. Булар ҳам келишув битими тузиш ҳуқуқидан ташқари даъвогарнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Иқтисодий суд ишларини юритишда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар – гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам иштирок этиши мумкин.

Гувоҳлар низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга маълумотлар ва ҳолатлардан хабардор бўлган шахслардир. Улар адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, иқтисодий суд иши юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига, суднинг чақирувига кўра келиш, иш юзасидан ўзи хабардор бўлган маълумотлар ва ҳолатлар ҳақида тўғри кўрсатувлар бериш, судья ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг саволларига жавоб бериш, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиш мажбуриятига эгадирлар.

Фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида хулоса бериш учун зарур бўлган махсус билимларга эга жисмоний шахслар экспертлар ҳисобланади. Улар экспертиза предмети тааллуқли иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; жойида кўздан кечиришда иштирок этиш ва экспертизани ўтказиш учун зарур қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предмети оид далилларни текширишда иштирок этиш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга ва гувоҳларга суднинг руҳати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўз олдида қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предмети оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам хулосаларини баён этиш; ўз

хулосаси ёки кўрсатувлари ишда иштирок этувчи шахслар ва гувоҳлар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у суд муҳокамаси юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган суднинг ҳал қилув қарорлари, судьянинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Эксперт ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса беришга; суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун суд чақирувига биноан келишга; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериш ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб қайтаришга; экспертиза ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмасликка; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг бут сақланишини таъминлашга; суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилишга мажбурдир.

Иқтисодий процессуал кодексга кўра, мутахассислар илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам кўрсатиш йўли билан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашга кўмаклашувчи фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва малакага эга бўлган, вояга етган, иш натижасидан манфаатдор бўлмаган шахслардир.

Улар қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; агар тегишли билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишни рад қилиш; суднинг рухсати билан процессуал ҳаракат иштирокчиларига саволлар бериш; процессуал ҳаракат иштирокчиларининг эътиборини ўзининг далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, илмий-техника воситаларини қўллашда, экспертиза тайинлаш учун материаллар тайёрлашда кўмаклашиш чоғидаги ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларга қаратиш; ўзи иштирок этган процессуал ҳаракат баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомасининг тегишли қисми билан танишиш ва унинг иштирокида амалга оширилган ҳаракатларнинг кечиши ҳамда натижалари қайд қилинишининг тўлиқлиги ва тўғрилиги хусусида баённомага киритилиши лозим бўлган арзлар ва фикрларни билдириш; агар иш юритишда иштирок этиш унинг хизмат вазифалари доирасига кирмаса, процессуал ҳаракатларни амалга оширишдаги иштироки билан боғлиқ ҳаракатлар ўрни қопланиши ва бажарган иши учун пул мукофоти олиш ҳуқуқига эгадир.

Мутахассис суднинг чақируви бўйича келиши; процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ва суд муҳокамасида махсус билим, малака ва илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; маслаҳатлар бериши; ўзи бажараётган ҳаракатлар юзасидан тушунтиришлар бериши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этадиган ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашадиган шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиланганлиги одил судловни тўлақонли амалга оширишга ёрдам беради.

Н. БЕГИМОВА,
Гулистон туманлараро
иқтисодий суди раиси

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Корпоратив низоларни ҳал қилиш институти Ўзбекистон судлари учун нисбатан янги ҳисобланади.

Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги Қонуни билан Хўжалик процессуал кодексига қўшимча киритилиб, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (меҳнат низоларидан ташқари) хўжалик судларига тааллуқли эканлиги белгилаб қўйилди.

2015 йил 20 августда қабул қилинган Қонун билан Хўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, меҳнатга оид низолардан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

2018 йил 24 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига эса, корпоратив низоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Корпоратив низолар деганда, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низолар тушунилади. Демак, корпоратив низонинг тарафлари юридик ва жисмоний шахслардир.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасига асосан, иқтисодий судга иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар, корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, тааллуқлидир.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 30-моддасига асосан корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар киради:

1) юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;

2) хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно;

3) юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;

4) қимматли қоғозлар эмиссияси, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар;

5) қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар;

6) юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш билан боғлиқ низолар;

7) юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар.

Қонунга мувофиқ корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига бошқа низолар ҳам киритилиши мумкин.

Демак, ушбу моддада келтирилган рўйхат тугал ҳисобланмайди, корпоратив соҳага оид бошқа низолар ҳам иқтисодий судлар томонидан ҳал этилиши мумкин.

Масалан, акциядорлар умумий йиғилишининг йиллик ҳисоботни тасдиқлаш ва бошқарув раисини сайлаш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш сўралса, ушбу қарор билан бошқарув раиси сайланганлиги ҳолати меҳнат муносабати сифатида инобатга олиниши лозим. Бинобарин, бундай даъво аризасини қабул қилиш рад этилади, агар у қабул қилинган бўлса, даъво бўйича иш юритиш тугатилади.

Акциядорлик жамияти директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчиларнинг ҳар бири билан жамият ўртасида, шунингдек, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятнинг якка-бошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директори) билан жамият ўртасида бир йил муддатга тузиладиган шартномалар бўйича келиб чиқадиган низолар (мазкур жамиятларнинг фаолиятдан келиб чиқса ҳам) меҳнат муносабатларига доир бўлганлиги сабабли, иқтисодий судга тааллуқли ҳисобланмайди.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак. Меҳнатга оид низолар, шунингдек хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фонди (капитал)даги акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар корпоратив низо сифатида иқтисодий суд томонидан ҳал қилинмайди.

Корпоратив низолар бўйича иш юритиш тартиби Иқтисодий процессуал кодекснинг 26-бобида белгиланган.

Корпоратив низолар бўйича ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

Корпоратив низо бўйича даъво аризасига ушбу Кодекснинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилинади.

Ж. ХУСАИНОВ,
Боғот туманлараро
иқтисодий суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни мазкур соҳани тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИШДА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ТОМОНИДАН ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг турли кафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлашдир. Маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

Маъмурий судларга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир.

Кўп йиллардан бери давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди. Эндиликда ушбу тоифадаги ишлар янги ташкил этилган маъмурий судлар томонидан кўрилмоқда.

Қисқа давр ичида маъмурий судлар томонидан маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 12 963 та, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш-

ларга оид 301 455 та, жами 314 418 та иш ишлар мазмунан кўрилиб, ҳал этилган.

Шу билан бирга, маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгилаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 2018 йил 25 январда қабул қилинди ва жорий йилнинг 1 апрелидан кучга кирди.

Маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни маъмурий судларда ҳал этишнинг процессуал-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс маъмурий суд судьялари учун асосий процессуал қонун ҳужжати ҳисобланади.

Бирок, маъмурий судлар томонидан ишларни кўриш ва ҳал этишда амалдаги қонун нормалари турлича қўлланилаётганлиги, судловга тааллуқлилик масаласида аниқ тушунчалар мавжуд эмаслиги, суд амалиёти бир хилда шакллантирилмаганлиги, айрим суд ҳужжатларида хато ва камчиликлар учраётганлиги сабабли, ушбу масалалар юзасидан Олий суд Пленуми қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 15-сонли қарори айнан юқорида баён этилган маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатларга оид ишларни ҳал этишда биринчи инстанция судларида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни аниқ ва бир хилда қўллаш юзасидан муҳим тушунтиришлар бериш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур Пленум қарори 25 та банддан иборат бўлиб, унда биринчи инстанция судида маъмурий ишларни кўришда қайд этилган Кодексни қўллаш юзасидан айрим масалалар бўйича тушунтиришлар берилган.

Жумладан, Пленум қарорининг 4-бандида давлат органлари ва улар мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ қабул қиладиган қарорлари ёки амалга оширадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли эмаслиги, бундай ариза ёки шикоят тақдим этилган тақдирда, судья Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ ариза ёки шикоятни қабул қилишни рад этиши лозимлигига аҳамият бериш тушунтирилган.

Шунингдек, Пленум қарорининг 5-бандида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасига кўра, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатига фақат юридик шахслар эга эканлиги, шу сабабли, агар юридик шахсдан ишончнома мавжуд бўлмаса, суд юридик шахс алоҳида

бўлинмаси (филиали, ваколатхонаси) аризасини (шикоятини) қабул қилишга ҳақли эмаслигига алоҳида эътибор бериш назарда тутилмоқда.

Маъмурий орган ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашишда, жавобгар сифатида аризада ёки шикоятда ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган тегишли юридик шахс кўрсатилади, мансабдор шахсининг ўзи эса, зарурат бўлганда суд томонидан қўшимча жавобгар сифатида ишга жалб қилиниши мумкин.

Пленум қароридан янги низо тоифалари бўйича ишларни ҳал этишга оид тушунтиришлар беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унинг 6-бандида суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳар томонлама қонуний ва адолатли ҳал қилиш мақсадида ушбу ишларни ҳал этишда жавобгар тариқасида ишда иштирок этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органни, шунингдек уни рўйхатдан ўтказган орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини жалб қилиши лозимлиги таъкидланган.

Пленум қарорининг 7-бандида ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга ёхуд иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслиги, бундай ҳолларда ариза ёки шикоят Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 134-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ қайтарилиши, агар иш юритувга қабул қилинган бўлса, талабнинг маъмурий судга тегишли бўлмаган қисми бўйича иш юритиш тугатилиши кераклиги тушунтирилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, амалиётда маъмурий судларга тааллуқлилиги белгиланган оммавий-ҳуқуқий муносабатнинг мазмун-моҳияти ва унинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатдан фарқли жиҳатлари хусусида баҳсли саволлар учраб туради.

Қайд этиш мумкинки, оммавий-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ субъектлари ўртасида ҳокимият ваколатларини амалга ошириш доирасида келиб чиқади.

Оммавий-ҳуқуқий муносабат куйидаги белгиларга эга:

- бу доимо ҳокимият билан боғлиқ муносабат ҳисобланади, яъни иштирокчилардан бирининг ҳокимият ваколатларини амалга оширишидан келиб чиқади;
- субъектлардан бири ҳар доим оммавий шахс, яъни мансабдор шахс ёки ҳокимият органи бўлади;
- ҳуқуқий муносабатнинг таркиби оммавий ҳуқуқ нормалари билан белгиланган иштирокчиларнинг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳисобланади.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатни бир қатор мезонларга кўра таснифлаш мумкин. Масалан, келиб чиқиш соҳасига кўра маъмурий, солиқ ва бошқа муносабатлар.

Шунингдек, давлат бошқаруви жараёнида турли-туман муносабатлар вужудга келиб, улар турли ҳуқуқ тармоқлари билан тартибга солинади. Жумладан, давлат

бошқаруви соҳасидаги аксарият ҳуқуқий муносабатлар конституциявий, маъмурий, меҳнат, молия ва бошқа ҳуқуқ тармоқларининг нормалари асосида вужудга келади. Мазкур муносабатлар ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлардир. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ўзининг тузилишига кўра, муносабат субъекти, объекти ва мазмунига эга.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти унда иштирок этувчи томонлар, яъни бошқарув жараёнида маълум бир ваколатга (давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар) ёки бошқача маъмурий-ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар (фуқаролар, жамоат бирлашмалари) ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти эса, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳаракатлари (қарорлари), уларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвори ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнидаги маъмурий ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатларидир.

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, тақиқлар, чекловлар ташкил этади.

Демак, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури бўлиб, ўзининг мазмуни, хусусиятлари ва иштирокчилари билан бошқа ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради.

Айрим муаллифларнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши мумкин:

а) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келади;

б) маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир томонида ҳамма вақт давлат органи, мансабдор шахс ёки бошқарув ҳуқуқига эга бўлган жамоат бирлашмаси иштирок этади;

в) маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар бир томоннинг хоҳиши билан вужудга келиб, иккинчи томоннинг розилигини талаб этмайди;

г) маъмурий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган низолар аксарият ҳолларда маъмурий тартибда ҳал қилинади.

Демак, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар давлат бошқаруви соҳасида вужудга келади; муносабатнинг мажбурий иштирокчиси бўлиб давлат органлари намоён бўлади, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муносабат турини белгилаб беради. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар – бу давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ бўлган ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар

билан тартибга солинган ҳуқуқий муносабатларнинг бир туридир.

Қайд этиш ўринлики, Пленум қарорининг 10-бандида судга мурожаат қилувчиларга ортиқча ноқулайликлар туғдирмаслик, ортиқча оворагарчилик ва сарсонгарчиликларни олдини олиш мақсадида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ариза ёки шикоятни қайтариш асослари рўйхати кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмаслиги тушунтирилган, агар ариза ёки шикоят иш юритишга қабул қилинганидан кейин, яъни ариза (шикоят) имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 134-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандлари бўйича ариза ёки шикоятни қайтариш учун асослар аниқланса, суд тегишинча аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириши ёки ишни бошқа маъмурий судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши ҳақида аниқ тушунтиришлар берилмоқда.

Процессуал қонунда ишни маъмурий суд томонидан фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга ўтказишни назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас. Шу боис, Пленум қарорининг 12-бандида берилган тушунтиришга кўра, агар иш маъмурий судга тегишли бўлмаса, аризани ёки шикоятни иш юритишга қабул қилиш рад қилиниши, агар у иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилиши лозим.

Иш юритишни тугатиш институти низо мазмуни юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан туриб иш юритишни тамомлаш шаклларида бири ҳисобланади. Пленум қарорининг 22-бандида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асослари рўйхати тугал ҳисобланиши ва кенгайтирилган тарзда талқин қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида аниқ тушунтириш берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Пленум қарорида айни пайтда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларга ҳамоҳанг равишда судларга аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг ортиқча оворагарчиликларининг олдини олиш, судлар фаолиятидан уларнинг розилигини таъминлаш мақсадида суд ҳужжати эълон қилингандан кейин унинг мазмунини ва суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган асосларни тушунтириб бериш каби тавсиялар ҳам ўрин олган.

Ушбу Пленум қарори маъмурий судлар томонидан ишларни биринчи инстанция судида кўришда ҳуқуқ нормаларини бир хилда қўллашга ҳамда одил судловни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

М. АСТАНОВ,
Олий суд судьяси

ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲУЖЖАТ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддасига биноан, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига биноан ҳар қандай манфаатдор шахс давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида белгиланган тартибда судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йил давомида судлар томонидан давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган 207 та ҳужжати ҳақиқий эмас деб топилган. Ушбу ишлар юзасидан 95 нафар айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари қўлланилган.

Бу ишларнинг аксарияти солиқ хизмати органлари ҳужжатлари ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 122-моддасига кўра, ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин бўлган давлат солиқ хизмати органининг ҳужжатлари Фуқаролик кодексининг 8-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган.

Бундай ҳужжатлар сирасига фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини тасарруф қилиш бўйича ҳаракатларни ўз ичига олган, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ, кўрсатма ва шу каби ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа ҳужжатлар киради. Агар улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши

мумкин. Шундай ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар ёки давлат солиқ органи ҳужжатининг муайян қисми ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Даъвогар – «MILK FOODS» масъулияти чекланган жамияти судга мурожаат қилиб, жавобгар – давлат солиқ инспекциясининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аниқланишича, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачиликда наслчилик ишлари бош Давлат инспекцияси томонидан МЧЖга давлат регистри гувоҳномаси билан наслчилик мақоми 2013 йил 21 майгача бўлган муддатга берилган. МЧЖ наслчилик мақомини белгиловчи гувоҳноманинг муддати туганлиги боис, гувоҳнома муддатини узайтириш ҳақида Давлат инспекциясига мурожаат қилган. Давлат инспекцияси томонидан соҳага доир меъёрий ҳужжат қайта ишланиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилиб, қайта давлат рўйхатидан ўтказилаётганлиги сабабли, мазкур ҳужжат тасдиқлангандан сўнг наслчилик мақоми берилиши, истисно тариқасида МЧЖ наслчилик тоифасида фаолият кўрсатаётганлиги маълум қилинган.

Давлат инспекцияси бош мутахассисининг МЧЖнинг наслчилик ишлари белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши, истисно тариқасида наслчилик хўжалиги ҳисобланганлиги ҳақидаги хулосасига кўра, Инспекция томонидан унга 2020 йил 28 июлгача бўлган муддатга янги гувоҳнома билан наслчилик хўжалиги мақоми берилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг рухсатномаси ва Давлат солиқ қўмитасининг буйруғига асосан «MILK FOODS» масъулияти чекланган жамиятининг молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китоблар амалга оширилиши юзасидан режадан ташқари ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текшириш натижаларига кўра, МЧЖга нисбатан асосий фаолият билан бирга бошқа фаолият турлари бўйича ҳисобот топширилмаганлиги сабабли қўшимча солиқлар ҳисобланган.

Ваҳоланки, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 21 апрелдаги Қарорига асосан наслчилик иши корхоналари 2014 йилгача истисно тариқасида асосий фаолият тури бўйича барча солиқлар ва давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва

жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан давлат солиқ инспекцияси қарорининг тегишли қисмлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

Текшириш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар бўйича давлат солиқ инспекцияси масъул ходимларига нисбатан интизомий чора кўриш ҳақида хусусий ажрим чиқарилган.

Мазкур тоифадаги ишларда судлар томонидан солиқ органи ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги низолар кўрила-ётганда, ушбу ҳужжатларнинг, ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунга мувофиқлигини исботлаш мажбурияти тегишли солиқ органининг зиммасига юклатилади, яъни мазкур тоифадаги низолар бўйича исботлаш мажбурияти жавобгар зиммасида бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, назорат қилувчи органлар, шу жумладан солиқ органлари ходимлари томонидан текшириш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни, мансабдор шахсларнинг берган топшириқларини, шунингдек бирон-бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайдиган бошқа ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш, солиқ органларининг ҳужжатларини бекор қилиш, ноқонуний (қонунга хилоф), қонуний деб топиш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш каби талаблар судда кўриб чиқилмайди.

Фуқаролик кодекси 12-моддасининг қоидаларида фақат давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларни бекор қилиш кўрсатилган. Шу боис, судлар томонидан нодавлат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш рад этилмоқда ёки агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш тугатилмоқда.

Судлар давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган, норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишга доир нозоларни кўриш ваколатига эга бўлиб, бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб фақат қонунда кўрсатилган ҳолатлардагина судга тақдим этилиши мумкин.

Чунки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар устидан юридик шахсларнинг шикоят бериши қонунда назарда тутилмаган, бу мазмундаги мурожаатларни Конституциявий суд ўрганиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир даврда мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтириб борилмоқда.

Р. БЕРДИЯРОВ,
ТДЮУ тадқиқотчиси,

Б. СУЛТОНОВ,
ТДЮУ магистри

БОЛАНИНГ ХОҲИШИ СУД УЧУН ҲАМ МУҲИМ

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизга яқинини ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаганлар ташкил қилади. Ҳар йили ярим миллиондан ортиқ янги туғилган гўдак аҳоли қаторига қўшилмоқда. Ёшлар баркамоллиги эса, аввало, оиладаги тинч ҳамда маънавий соғлом муҳитга боғлиқ. Бироқ, айрим ҳолларда ота-оналарнинг шахсий адовати болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, маълум сабабларга кўра ёш оиланинг никоҳи бекор қилинади ёки аксинча, қонуний никоҳдан ўтмасдан туриб оила қурилади. Ўртада фарзандлар бор. Эндиликда болалар ота ёки она учун қурулган айланалар. Фуқаро Умарова Мунира (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан Бекназаров Бехзод қонуний никоҳдан ўтмасдан, 2010 йилдан 2014 йилнинг май ойига қадар бир оила бўлиб яшайдилар. Биргаликдаги турмушларидан 2012 йилда туғилган Муниса исмли вояга етмаган фарзандлари бор. Ҳозирги вақтда Муниса отаси билан яшаб келмоқда.

Оила кодексининг 71-моддасига биноан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Мазкур Кодекснинг 75-моддаси талабига кўра, болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Агар ота-она ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлса, улар (улардан бири) бу келишмовчиликларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда, суд боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёш-ни, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш

тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 1998 йил 11 сентябрдаги 23-сонли қарорининг 3-бандида ҳам бу борада тушунтириш берилган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман халқ таълими васийлик ва ҳомийлик бўлимининг хулосасига кўра, иккала тарафнинг яшаш шароитини ўрганиб, ҳар иккала тарафни яшаш шароити вояга етмаган Мунисанинг манфаатига тўғри келиши кўрсатилган.

Суд ҳар иккала тарафнинг яшаш шароитлари болани тарбиялаш учун етарли бўлса-да, вояга етмаганнинг жинси, ёши ҳамда бошқа фарзандлар (опа-ука) билан алоҳида яшамаслиги лозимлигини инобатга олиб, Мунисанинг яшаш жойини она билан белгилаш, Б.Бекназаровнинг қарши даъво талабининг фарзандини яшаш жойини белгилаш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган. Ўз навбатида, қизнинг отаси Беҳзод қарордан норози бўлиб, шикоят келтиради.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг юқоридаги хулосаси билан келиша олмаган.

Чунки, биринчи инстанция суди вояга етмаган Мунисанинг яшаш жойини онаси билан белгилаш ҳақида хулосага келишда Олий суд Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига тўлиқ риоя қилмаган.

Хусусан, иш ҳужжатларида мавжуд бўлган суд-психологик экспертизаси хулосасида кўрсатилишича, боланинг ҳозирги психоэмоционал ҳолати белгиларига кўра, у отанинг уйини ўз уйи деб билади.

Суд-экспертиза хулосасида кўрсатилган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермаган, Мунисанинг отаси билан яшаётганини инобатга олмаган.

Ваҳоланки, мутахассисларнинг хулосасига кўра, Мунисани отаси тарбиясидан олиш (яшаш жойини ўзгартириш) мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолат боланинг психофизиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу боис, суд Мунисанинг онасига қизи билан кўришишга тўсқинликлар бўлган тақдирда бола билан учрашиш вақтини белгилаш ҳақидаги даъво ариза билан умумий тартибда судга мурожаат этиш ҳуқуқини тушунтириб, қабул қилинган ҳал қилув қарорини ўзгартирган. Мунисанинг отаси билан бирга яшаши лозимлигини белгилаган.

И. БОЛТАХОДЖАЕВА,
Олий суд судьяси

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

Бола тарбияси – машаққатли ва масъулиятли жараён. Фарзандлар – бизнинг келажакимиз, уларни тўғри йўлга йўналтира олсак, нафақат оиламиз бахти бутунлигига, балки юртимиз равнақига ҳам катта ҳисса қўшган бўламиз.

Болалар ҳимояси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 20-боби «Фарзандликка олиш» деб номланган, Фуқаролик процессуал кодексининг 29-боби эса фарзандликка олиш тартиби ва қоидаларига бағишланган.

Болани фарзандликка олиш илгари васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилар эди.

Қонунчилигимиздаги ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда фарзандликка олиш масаласини ҳал этиш фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ваколатига ўтказилди. Зотан, вояга етмаган боланинг манфаати учун суд ишни ҳар томонлама синчковлик билан чуқур ўрганади, муҳокама қилади ва қонунийликни таъминлайди.

Оила кодексига мувофиқ фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади.

Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади. Ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди, фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллар бундан мустасно.

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Фарзандликка олишда боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганда аниқланади.

Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга ошириляётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак, шунингдек фарзандликка олиш тўғрисида иш юритиляётганда бевосита судда баён этилиши мумкин.

Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Бундай ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаётган болани фарзандликка олиш фарзандликка олувчи қайси чет давлат фуқароси бўлса, ўша давлатнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилганлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг фарзандликка олиш тўғрисидаги рухсати олдиндан олинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига беради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Хулосага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

- фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси;

- фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

- фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

- ўн ёшга тўлган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги;

- бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса, ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги;

- бола унинг қариндошлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола ҳақидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар, фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси туман, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири (раҳбари) томонидан тасдиқланган (имзо, муҳр) бўлиши лозим.

Фарзандликка олиш фарзандликка олинганнинг ва фарзандликка олувчилар (олувчи)нинг манфаати учун сир сақланиши қонун билан кафолатланган. Фарзандликка олишни ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Демак, фарзандликка олинаётган ўғил-қизларнинг мукамал оила бағрида етук инсонлар бўлиб етишиши учун уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси қонунчилик томонидан тўлиқ белгиланган.

И. ШОЙМАРДОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Навий вилоят суди судьяси

МЕХР-ОҚИБАТДАН УЗОҚЛАШДИКМИ?

Фарзандлар кичиклигида талашиб-тортишса, у қадар эътибор бермаймиз. Бирини сен каттасан, иккинчисини сен кичиксан, деб юпатамиз. Ёки бу ҳолатга шунчаки безубор нигоҳ билан боқиб, қулиб қўямиз. Аммо, ака-ука ўртасидаги бу тортишувлар болаликда қолиб кетмаса-чи? Бу катта муаммоларни бошлаб келса-чи?..

Абдулла ва Латиф Алибековлар (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ҳам бошқа ака-укалари, опа-сингиллари каби беғубор эди. Ота-онасининг суюкли фарзанди. Баъзан шўхлик қилиб, баъзан меҳр кўрсатиб, уларнинг қувончига-қувонч қўшиб, шодлик улашиб, юриш-туриши, савлати билан маҳаллада тилга тушган йигитлар бўлиб улғайишди. Иккисининг ҳам мақсадлари улкан эди. Аммо, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкинлиги, баъзан нимагадир етишиш учун орзунинг ўзи камлик қилишини унутишди. Абдулла ҳайдовчилик касбини эгаллади. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги фермер хўжалигида трактор ҳайдайди. Ундан ташқари, томорқасида деҳқончилик қилади. Укаси Латиф эса, бирон ҳунарнинг бошини тутмади. Ўзини ҳар томонга уриб кўргач, кўни-кўшни, маҳалла-кўй, қариндош-уруғларнинг мол-ҳолини боқиб юрди. Аслида у бу ишнинг устаси. Чорвани яхши тушунади. Топиш-тутиши ҳам жойида. Нимадир бўлди-ю, спиртли ичимликка ружу қўйди. Топганидан барака кетиб, ҳурматини йўқотди. Тез-тез ичкилик ичадиган, уйдагиларнинг гапини олмайдиган бўлди. Натижада икки жондай жигарнинг сўзи қочди. Ёз оқшомларининг бирида уйга тахминан тунги 23:30 ларда маст ҳолда келган укага акаси танбех берди. Эртаси куни унга далада ёрдам беришини айтиб огоҳлантирди. Аммо, ичкилик таъсирида ўзини билмаган ука гапдан қолмади. Оддийгина тортишув аканинг укага тиғ ўқталишига олиб борди. Ака аччиқ устида ўз укасига пичоқ санчди. Қўллари жаҳолат конига бўялган ака, совуқ ханжар зарбидан инграган жигарининг ожиз нигоҳига қараб ўзига келди. Абдулла жон талвасасида турган укасига ёрдам кўрсата бошлади, тез ёрдам чақириб шифохонага ётқизди....

Унинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

«Жаҳл чикса, ақл кетади», дейди халқимиз. Ака-уканинг арзимас гапидан чиққан жанжал оқибати уларнинг саломатлигига зиён келтириб, фарзандларнинг, ота-онанинг, оиланинг тинчлигини бузди. Ўртадаги ишонч, меҳр-оқибат, қариндошликнинг азалий қадриятларига путур етказди. Суд мажлисида судланувчи Л. Алибековнинг ҳаракатларида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда айбланишга асослар етарли эмас, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги қарорида «Судлар шуни эътиборга олиши керакки, қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганида айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди ёки бунга онгли равишда йўл кўяди», деб кўрсатилган. Иш ҳолатига кўра, судланувчи А. Алибеков укасига нисбатан бундай фикрда бўлмагани, буни Л. Алибеков ҳам тасдиқлагани инobatга олиниб ҳукм чиқарилди. А. Алибеков Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга жазо ўташ белгиланди. Жазо муддати давомида белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниши таъкидланди.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади», деган мақол бор. Шу боис, ўйлаётганимиз, сўзлаётганимиз, амалимизга эътиборли бўлайлик.

Бир бора кўйилган ножўя қадам туфайли қанча тақдирлар ўзгаради, қанча диллар озор чекади, қалблардан меҳр-оқибат узоқлашади. Зеро, меҳрли ва муҳаббатли бўлиш инсонларни қабих ишлардан қайтаради, ҳамиша эзгуликка бошлайди.

Ш. ЭРМАТОВА,
Шартномалар ва ҳуқуқий
масалалар бўлими бошлиғи

Ўз яқинларини севмаганлар беҳуда яшайдилар ва ўзларини аянчли қариликка маҳкум этадилар.

ШЕЛЛИ

ҲАҚҚИМ БОРМИ СЕНИ, ВАТАН ДЕЙИШГА...

(адашган кимсанинг суддаги охириги сўзи)

Мен Ватанимга хиёнат қилдим... Бу аччиқ ҳақиқатни дастлабки суриштирув ёки тергов даврида айтишга ботинолмадим. Буни судга қадар салгина бўлса ҳам юмшатмоқчи бўлдим, лекин худди пахтадек оппоқ кўйлакка томган қора сиёҳ сингари уни бекитиб бўлмади. Тўғри, мен адабиёт соҳасида маълум ютуқларга эришганман, илмий тадқиқотларим юқори баҳоланган. Аммо, биргина хиёнат шу пайтгача босиб ўтган ҳаёт йўлимни саробга айлантирди. Ғаним тегирмонига қанча сув қуйганимни эслашнинг ўзиёқ даҳшат. Ҳеч кимга керак бўлмай қолганимда, тузини ичиб тузлигига тупирган шу муқаддас Ватан мен «ёмони»ни яна «болам» деб бағрига олди. Бугун, хориж ўлаксоналарида биқиниб олган айрим ватанфуруш, аламзадаларнинг таъсирига тушиб, боши берк кўчага адашиб кириб қолганимни тергов ҳибсхонасининг камерасида ўтириб аянч билан эслаяпман.

Ўша «адашиш» қачон бошланганини айтмайин. Бу нафақат мен учун, балки шундай қисмат бошига тушиши мумкин бўлган тенгдошларим учун ҳам сабоқ бўлади. Иллат илдири қаерда ўзи?.. Ёшларнинг ҳаммаси яхши бўлса, ёмон ва кейинчалик жиноят кўчасига кирган болалар қаердан пайдо бўлаяпти? Баъзан ёшларнинг ахлоқ-одобидаги нуқсонларини, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини, ҳатто жиноятларини шўхликка йўйиб қўя қоламиз. Шу тўғримикан?.. Бошим деворга «так» этиб урилган куни бу ҳақда ўйлаб қолдим. Чунки, эндигина йигирма беш ёшга тўлдим. Ҳозир панжара ичида болалик ва ўсмирликдаги даврларим хотирамдан бирма-бир ўтмоқда.

... Ёдимда, мактабда ўқиб юрган кезларим синфдошим ва яқин дўстим Комилга аъло баҳоларга ўқиганлиги учун бадиий китоб совға қилишди. Бу воқеа менинг иззат-нафсимга қаттиқ тегди. Мендан ўзиб кетган дўстимнинг адабини бериб қўйиш мақсадида зимдан режа туздим. Ниҳоят ўша китобни ўқиш учун олиб турган синфдошим Сарварнинг сумкасида ўғирлаб, уни бурдалаб йиртдим ва ёқиб юбордим. Натижа эса кутганимдан ҳам аъло бўлди. Сарварнинг ота-онаси китобнинг пулини тўлашди, Комилнинг суратини эса шармандаларча «Аълочилар тахтаси»дан олиб ташлашди. Ўзим истаганимдай, барчанинг эътибори менга қаратилди, мактабда аълочи ўқувчига айландим.

... Яна бир воқеани эслайман. Тоғам «Кобалт» автомашинаси харид қилди. Бу менинг ғашимни келтирди. Эшигини очиб орқасига қайирдим, қайиравердим... охири эшик беркилмай қолди. Буни кузатиб турган онам кўз ёш қилиб мендан

сўради: «Нега бундай қилдинг, ахир ўз тоғангнинг машинаси-ку?» «Лекин, у бизники, аниқроғи меники эмас, ичим ёниб кетяпти, онажон», дея жавоб бердим. «Хаётда ўзгаларнинг бахту омадини кўролмаслик туйғуси билан улғайсанг, мени адои тамом қиласан-ку, болам», - ёзғирди онам. Агар ўшанда онамнинг гапларига қулоқ солганимда бундай мушкулотлар бошимга тушмасмиди? Бугун нафақат онам ва оила аъзоларим, балки қариндош-уруғларим ҳам мулзам. Менга бутун меҳрини берган мураббий ўқитувчи-устозларимнинг юзи шувут...

Инсон бошқаларни истаганча алдаши мумкин, аммо ўз-ўзига ёлғон гапиролмайди. Энди очиқ-ойдин тан оладиган вақт келди, чоғи. Ҳаммаси худбинлик, манманлик ва кўролмаслик сингари жирканч иллатларнинг қонимга сингиб кетганидан пайдо бўлган. Истеъдодим ҳам етарли эди, чамаси. Аммо, уни юзага чиқариш учун узок муддат ҳалол меҳнат қилиш, тинимсиз изланиш лозим. Мен эса юқори поғоналарга зудлик билан кўтарилиб, тез орада барча ҳайрон қоладиган таниқли шахсга айланишни истардим.

Излаган имкон топади, деганлари рост. Интернетдан юртимиздан анча йил олдин кетган бир ватан хоинининг саҳифасини топдим. У билан алоқага чиқиб, шеърлари манзур бўлганини маълум қилдим. «Қозонга яқин юрсанг қораси юқади» деганларидек, бошқалардан ажралиб туриш учун қилган хатоим бир умр афсус-надомат келтиришини ўйламабман. Мен ўшандаёқ бу ватанфурушнинг қўлидаги қўғирчоққа айланиб бўлган эканман. Буни анча кейин, кўзим мошдек очилганидан сўнг англаб етдим. Аттанг!

Шундай қилиб, интернетда дастлабки мақолаларим босилди. Хориждаги «ҳомий» мақтовлар билан «яхши телефон аппарати сотиб олинг» деб, кейин «яхши ноутбук сотиб олинг» деб, бошқа сафар «ажойиб мақола ёзганингиз учун арзимас мукофот» деб, пуллар юбориб турди. Шу тариха сохта олқишлар оғушида муттаҳамнинг аравасига ўтириб олганимни ҳам сезмай қолибман. Қадимдан ибратли ибора бор: «Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг ашуласини айтасан». Бу «арава» Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган «Ўзбекистон халқ ҳаракати» аталмиш ноқонуний тузилмадир. У амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартириш, фуқаролар ўртасида тотувликни бузиш, тухматона вазиятни вужудга келтириш, уйдирма ва бўҳтонларни тарқатиш билан шуғулланади. Мен уларнинг расмий сайтига юзга яқин мақолалар ёзиб жўнатганман ва яхшигина «қалам ҳақи» олганман. Мақтанаётганим йўқ, менга қанчалик оғир бўлмасин, тўғриси айтиб, кўнглимни бўшатиб олмоқчиман, холос. Бундай мақолалар яширин тахаллуслар билан эълон қилинган. Отасига қўл кўтарган фарзанд окпадар ҳисобланади. Унда мени ким деб аташ мумкин?! Ахир мен Ватанимга хиёнат қилдим-ку. Айтинг, шундан кейин ҳақким борми уни Ватан дейишга?!

Юксак чўққининг қулаши биргина майда тошнинг юмалашидан бошланади, дейишади. Мен ҳам Ватанимга дастлаб кичик тухмат тошини отдим ва ўша кундан бошлаб виждоним юзига парда тортилди-қолди. Бу ёғи осон кечди. Пис-

тирмада ўтириб олиб, хориждаги «хомий»лар кўрсатган тарафга тухмат тошларини ёмғирдек ёғдиравердим, жарақ-жарақ пулларни санаб олавердим. Худди чакалакзордаги ўтлар орасидаги чигиртка мисоли, чириллашим эшитилади-ю, қаердалигимни ҳеч бир кимса топаолмайди. Менга ўхшаган нобакорларнинг чалғимаслиги ва алданаётганликларини тушуниб қолмаслиги учун хориждаги «даҳо»лар «биз яқинда борамиз» деб тинчлантиришга уринадилар.

Агар қони бузилмаган бўлса, инсон бир куни ўзига, ўзлигига қайтаркан. Ғанимлар «башорат» қилганидек, Ўзбекистон қарам бўлиш ўрнига кундан-кунга ривожланган давлатлар сафида тенглар ичида тенг бўлиб, гуллаб-яшнаётганини сўқир кўзгина кўрмаслиги мумкин. Мен ҳам буни кўриб, улкан ўзгаришларнинг бевосита гувоҳи бўлиб турибман. Магистр тенгдошларим юксак марраларни забт этишмоқда. Ахир мен ҳам улар сингари Ўзбекистоннинг иқтидорли ёшларидан саналардим. Кўплаб илмий анжуманларда совриндорлар сафида эдим. «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» Республика кўрик-танловида фахрли ўринлардан бирини, университетлараро ўтказилган «Ижодкор талаба» танловида юқори ўринни эгаллаш, «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиш бахтига муяссар бўлганман. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ана шундай юксак ўрин ва мартабаларга лозим топган, менга ишонч билдирган устозларим олдида ким деган одам бўлдим. Мен юзи қора нималар қилиб қўйдим, ўзи... Талабалик давримдаёқ анча ютуқларга эришган бўлсам-да, Ўзбекистонда талаба ёшларга йўл йўқ деб интернетда аюҳаннос солган ҳам ўзим. Ёлғон ҳам эви билан-да?! «Дарахтнинг бўшини қурт ейди», деганлари ҳақ гап. Ўзбекистон ёшларини кўркам, бепоеън ям-яшил дарахтзорга қиёсласак, мен каби танасига қурт тушган нобоп дарахтчалар шукурки, жуда кам.

Вақт ўтган сайин ҳаётда икки хил одам бўлиб яшаётганлигимни яққол сеза бошладим. Менинг ҳақиқий ҳаётим бошқа, интернетдаги ҳаётим эса тамомила бошқа. Қалтис ҳаракатларим ўзимда шубҳа уйғотди. Бир куни Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бордим. Биринчи қаватдаги Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар кўргазмаси эътиборимни тортди. Темурийлар давлатчилиги асосчисига ўша замонлардаёқ Европа ва дунёнинг буюк шахслари томонидан берилган юксак баҳо ҳамда эътироф кўхна китобларда акс этиб турарди. Мен тўрт-бешта хориж тилларини билганим боис, матнларни аслиятда ўқиб чиқарканман, қалбимда бекиёс ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари пайдо бўлди. Кўзларимга қайноқ ёш қалқди: «Эй нодон банда, сен дунёда таги-зоти улуғ, вақт бўронлари-ю, бўҳронларидан эсон-омон ўтиб келган ва келаётган улуғ миллат, донишманд халқ зурриёди бўлсанг-у, унга тош отишга қандай журъат этдинг?! Сен нобакор, кимнинг тегирмонига сув қуяясан?!»

Шунингдек, яна бир воқеа ўзимга танқидий баҳо беришга сабаб бўлди. 2016 йилнинг бошларида АҚШда жойлашган марказий Евроосиё тадқиқотлар жамиятининг анъанавий халқаро илмий конференциясида қатнашиш учун ариза,

сўровнома ва Алишер Навоий асарлари бўйича маъруза матнини юбордим. Маърузам шубҳасиз хориждаги «даҳо»ларнинг бевосита кўрсатмаси билан ёлгонларга асосланиб тайёрланган эди. Нуфузли хайъат уни тасдиқламади. Бу адолатли баҳо менинг сўқир кўзимни очди.

Хурматли суд хайъати! Айбимга тўлиқ иқрорман ва қилмишимдан чин кўнгиладан пушаймонман.

Мудҳиш хатоларимни тан олдим ва бу хатарли йўлдан бутунлай қайтдим. Аслида бу хато эмас, хоинлик, Ватанга хиёнат. Мен мухтарам Президентим ва улуғ халқимдан тиз чўкиб кечирим сўрайман. Келгуси тақдирим ўз кўлимда эканлигини яхши англайман ва мустақил Ўзбекистон келажаги, бахт-саодати йўлида жонимни фидо қилишга қасам ичаман.

Охирги сўзимни ушбу шеър билан мухтасар қиламан:

Кўнглимдагин баён этсам,
Энг аламли наво бўлғай.
Менинг дардим оғир ғоят,
Фақат ўлим даво бўлғай.

Сенинг дардинг не десалар,
Айтмоқ учун сўзим етмас.
Тирик туриб бу дардимдан
Тузалмоққа кўзим етмас.

Тўймоқ мумкин таомларга
Мол-дунёга тўймоқ мумкин.

Гар тўймасанг, ҳовуч тупроқ
Етарлидир тўймоқ учун.


Мен ўзимдан тўйиб кетдим,
Душманам йўқ ўздан бўлак.
Бу дард билан қийналмоқда
Вужудимда хаста юрак.

Аё, тангрим, дилдан тошган,
Оҳ-ноламга етсанг эди.
Оламимга келиб мени
Мендан олиб кетсанг эди...

И. МАМАНОВ
судланувчининг сўзларини
оққа кўчирди

Ақлли кишилар хатосидан огоҳланади, тўзри йўлга тушиб олади, буни у ўз хатосидан бошқалар огоҳланишидан ва айбини юзига солишидан бурун қилади.

Алишер НАВОИЙ



ИСТИБДОДДАН ИСТИҚЛОЛГАЧА

Хотира бутун инсониятнинг ички туйғу ва ҳаётий кечинмаларини ўзида жамлаган ҳаёлий оламдир. Юртимизнинг миллий ўзлиги ва маънавиятини сақлаб қолишда ҳам аجدодларимизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросининг ўрни катта. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тарихий меросни тиклаш ишлари амалга оширилди. Ҳар бир даврнинг фидойиларини хотирлашга аҳамият қаратилди. Бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи раҳбари, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди раиси, тарих фанлари доктори, профессор ҲАСАНОВ Бахтиёр Вахапович билан суҳбатлашдик.

– 2000 йилда пойтахтимиздаги Бўзсув канали бўйида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасига таъриф берсангиз.

– Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси жойлашган жой кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган. Ўтган асрнинг 20-йиллари охиридан 40-йилларининг бошига қадар бу жойда учта қатлгоҳ бўлган ва минглаб юрт озодлиги учун кураш олиб борган ватандошларимиз, ҳатто суднинг ҳукми чиқмасдан туриб, қатл қилинган ва кўмиб ташланган. Бу мажмуа ўзбек халқиқа қарши онгли ва режа асосида олиб борилган қатағонларнинг дардли тарихий хотирасини ёдга солади. Ушбу мажмуа ҳудуди 17 гектарлик майдонни ўз ичига олади. Мажмуада марҳум қатағон қурбонларининг рамзий қабри жойлашган. Мажмуа боғининг ўртасидан кесиб ўтган Бўзсув канали устидаги кўприк ёдгорликнинг муҳим иншоотларини ўзаро боғлаб туради. Рамзий сағана ўз навбатида барча қатлгоҳларда отилган аждодларимизнинг хотирасини мужассамлаштиради. Шунингдек, миллий меъморчилик андозаларига мос айвон барпо қилиниб, ундан олтин рангда товланувчи алифбо тарзидаги «Хотира китоби» ўрин олган. Китобда шаҳид кетган ватандошларимизнинг

номлари абадийлаштирилган.

2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Бу қарор музей тарихида янги босқични бошлаб берди.

Қатағон қурбонлари хотираси музейи республикадаги ноёб объектлардан бири ҳисобланади. Музейнинг илмий-тематик экспозицияси 10 бўлимдан иборат.

1-бўлим Ўрта Осиё (Туркистон)нинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва маҳаллий халқнинг бунга қарши курашига бағишланган. 2-бўлим миллий уйғониш ҳаракати, унинг намоён бўлиши ва амалий йўналишларидан сўзлайди. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тугатилиши ва совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши (1917–1924 йиллар)га оид маълумотлар 3-бўлимда акс этган. 4-бўлим Ўрта Осиё минтақасида зулм ва босқинчиликка нисбатан қаршилик ҳаракати ва қуролли чиқишлар (1918–1924 йиллар)га оиддир. 5-бўлим Совет ҳокимиятининг «коллективлаштириш» ва «қулоқлаштириш» сиёсати, унинг фожиали оқибатлари (1930–1936 йиллар)дан ҳикоя қилади. 6-бўлим 30-йилларнинг бошларидаги сиёсий қатағонлар (1929–1936 йиллар), 7-бўлим 1937–1938 йиллардаги сиёсий қатағонлар, 8-бўлим 1940–1950 йиллардаги қатағон сиёсатини таъсирчан фактлар асосида акс эттиради. 9-бўлим 1980 йиллардаги қатағонлар, «Пахта иши» кампаниясига оид маълумотлардан иборат. 10-бўлим мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишларга бағишланган.

Замонавий музейшуносликда экспозициялар меъморий-бадиий ечими музейнинг жойлашиши ва қурилиш услуби, залига эътибор берилади. Қатағон қурбонлари хотираси музейининг янги экспозициясини яратишда бу масалалар ўта профессионал даражада ҳал этилган. Бу маскан нафақат музей ёки оддий томошагоҳ, балки мустамлакачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси акс этган зиёратгоҳ ҳамдир.

– **Музейга кимлар кўпроқ ташриф буюрмоқда.**

– Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-табдиллари тўғрисида» 2014 йил 11 июлдаги қарорига биноан ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган фуқаролар ва уларнинг ота-оналари музейга бепул ташриф буюрадилар. Ҳар йили мажмуага эллик мингдан зиёд зиёратчи келмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Йил давомида музейга Туркия Мудофаа вазири, Япониянинг Мэйзура шаҳри мэри, Саксон Федерал Ўлкаси Парламенти (олий мажлиси) раиси, Польша ташқи ишлар вазири ўринбосари, америкалик тарихчилар ва бошқа нуфузли хорижий меҳмонлар ҳам ташриф буюришди.

– **Илмий лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

– Мустақил илмий тадқиқот муассасаси сифатида музей томонидан турли тарихий мавзуларга оид илмий лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, «1937–1938 йилларда Ўзбекистонда «Қатта қирғин» (энциклопедияси, 1-қисм)» мавзуси бўйича амалий-илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Юздан ортик

шахс фаолияти ўрганилди ва улар ҳақида энциклопедик мақолалар ёзилди. Тарихий хотираларга асосланган ҳужжатли фильм ва видеороликлар тайёрланди. «Оғзаки тарих» фондиди бойитиш мақсадида қатағонга учраган шахслар ҳақида уларнинг авлодларидан хотиралар тасвирга олинди. Хусусан, Абдулла Тошмухамедовнинг қизи Жамила аядан, Ҳидоят Иноятовнинг қизи Саодат аядан, Муҳитдин Турсунхўжаевнинг қизи Сурия Турсунхўжаевдан хотиралар ёзиб олинди.

Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, ҳар бир фуқаро ҳам тарихий хотирамизни тиклашга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Яъни, ўша қора кунларга гувоҳ бўлган ёки хотираларни эшитган ватандошларимиз маълумотларни бизга тақдим этишса, авлодларимизга катта тарбиявий мерос қолдирган бўлардик...

«Тарихнинг номаълум саҳифалари» тўпламининг 7-жилди нашрдан чиқди. Ҳозирда ушбу китобнинг 8-жилди устида иш кетмоқда. Шунингдек, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари бўйича «1937–1938 йилларда қатағон қилинган ватандошларимизнинг Хотира китоби»ни нашрдан чиқаришга муваффақ бўлганмиз. Ҳатто зиёлиларимиз тинглаган мусикаларни жамлаб, музей ахборот базаларига жойлаштирганмиз. Илмий ходимлар томонидан бир қатор илмий мақолалар ёзилган. Ҳозирда Республика вилоятларида 13 га яқин хотира музейлари барпо қилинмоқда. Масалан, жорий йил 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан Бухоро вилоятида Қатағон қурбонлари хотираси музейи тантанали равишда очилди.

Жорий йилнинг 12 июнь куни Польша Республикаси элчихонасида Польшанинг Халқ хотираси институти вакиллари билан келгусида ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашув ўтказилди. Музей томонидан ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари асосида тўпламлар нашр этилди.

– Музейда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида фаолият кўрсатган ва шўроларнинг қатағони қурбонига айланган ватандошларимиз ҳақида ҳам маълумотлар мавжудми?

– Албатта, ЎзССР Олий суди раиси Саъдулла Қосимов, ЎзССР Олий суди прокурори Бадриддин Шарипов, 1932–35 йилларда Социалистик қурилиш ва ҳуқуқ илмий текшириш институти директори бўлган Муҳаммадjon Мўминовлардан бошлаб бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Шу ўринда уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам, ўқувчилар учун қизиқарли бўлса керак.

Саъдулла Қосимов 1901 йил Тошкент шаҳрида дунёга келган. У 1909 йилдан Эшонхўжа Хонийнинг янги усулдаги бошланғич мактабида, 1916 йилгача Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг мактабида ўқиган. С.Қосимов ўлкада совет тузуми қарор топгач, бир гуруҳ фаол ёшлар қаторида Туркфронт сиёсий бўлими томонидан ҳарбий ишга сафарбар этилади. 1919 йил охиригача Ашхобод шаҳрида жойлашган Туркфронт батальонида Туркфронтнинг мактаб ишлари бўйича йўриқчиси бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1923 йилда суд бошқарув тизимида ислохотлар ўтказиш даврида кекса тажрибали қозилар билан бирга тергов-тафтиш ишларини олиб боради. У ислом ҳуқуқи ва замонавий совет ҳуқуқ тизимини чуқур таҳлил асосида ўрганади. Бу эса, унинг кейинги фаолиятида катта мактаб бўлди. Саъдулла Қосимов 1923–24 йилларда Тошкент вилоят судида аъзо, 1924 йил декабрдан 1925 йил мартгача Тошкент вилоят суди раиси ўринбосари ва 1925

йил мартдан суд раиси бўлган. ЎзССР МИК Президиумининг 1925 йил декабрдаги қарори асосида Саъдулла Қосимов 25 ёшида ЎзССР Олий суди раиси бўлиб иш бошлайди. Бирок, 1929 йил февраль ойида С.Қосимов раҳбарлигида бир гуруҳ ҳуқуқ тизими масъул ходимларига нисбатан социалистик қонунчиликни бузган, деган айблов асосида жиноят иши очилади.

Совет матбуотида «Қосимовчилар суди» жараёнининг тайёрланиши ва амалга оширилиши ҳақида «пойга» ташкил этилди. Газеталарда мақола ва хабарлар босилди. Биргина «Қизил Ўзбекистон» газетасида 1930 йилнинг апрель – сентябрь ойларида мазкур суд жараёни ҳақида 75 та мақола босилди. «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларидаги С. Қосимовнинг отувга ҳукм қилиниши ҳақидаги хабар барча миллий зиёлиларни ларзага солди. Ҳатто, Самарқандда мактаб ўқувчилари «Қосимовни отиш ҳукми тўхтатилсин» деб кўча намойиши уюштирган эдилар...

Муҳаммаджон Мўминов 1903 йил Наманган шаҳрида туғилган. Муҳаммаджон 1921 йил сентябрь ойида Қўқон шаҳридаги ишчи факультетига ўқишга киради. Бирок, 1922 йил сентябрь ойида Қўқон ишчи факультети ёпилиб, у Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультетининг охириги курсига қабул қилинади. 1923 йил ишчи факультетини тугатган Муҳаммаджон ўзининг билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Москва шаҳрига йўл олади. 1924 йил Москва давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. 1928 йил сўнггида М.Мўминов «Мамлакатнинг бошқарув тизимида прокурор назорати» мавзусида ёзган диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, университетни қизил диплом билан битиради. У 1929 йил Самарқандга келиб, Ўзбекистон Олий суди коллегияси аъзоси бўлди. 1931 йилдан ЎзССР Юстиция халқ комиссарлигида бўлим мудир, 1932–35 йилларда Социалистик қурилиш ва ҳуқуқ илмий текшириш институти директори бўлди. Кейинроқ М.Мўминов ташаббуси билан худди шу институт базасида юридик институт пайдо бўлди. Унинг ғайрат шижоати билан қисқа вақтда кўплаб юридик луғатлар, журналлар, китоблар чиқарилди. Айниқса, 1932 йил «На фронте теории государства и права» китоби нашрдан чиқиши катта шов-шувга сабаб бўлади.

1937 йил 29 март куни ЎзССР Адлия комиссарлигининг аҳолига юридик ёрдам ва суд ҳимоя бўлимининг бошлиғи бўлган М.Мўминов қуруқ тухматлар асосида қамоққа олинади ва 1938 йил 4 октябрь куни отувга ҳукм этилади.

Албатта, музейимиз илмий жамоаси томонидан олиб борилаётган илмий излаНИШЛАР НАТИЖАСИДА машъум совет қатағон сиёсати ҳақида кўплаб янги-янги маълумотлар қўлга киритилмоқда.

Музейнинг фаолият кўрсатишидан мақсад, нафақат Ватан ва халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, пок номларини оқлаш, балки уларнинг ибратли ҳаёти ва кураши мисолида ёш авлодга ватанпарварлик туйғусини сингдиришдир.

С. СОДИҚОВА
суҳбатлашди

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сысоев билан учрашув ўтказилди.

Видеоконференцалоқа режимида ташкил этилган тадбирда Олий суд, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги масъул ходимлари иштирок этди.

Евгений Сысоев ўз маърузасида халқаро терроризмга қарши курашиш соҳасидаги аҳвол, шунингдек минтақадаги мавжуд муаммо ва таҳдидлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик билан бирга терроризм, экстремизм, наркотик моддалар тарқалишига қарши биргаликда кураш олиб борилаётгани, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирда дунёнинг айрим минтақаларида, жумладан, қўшни Афғонистон ва Яқин Шарқ давлатларида содир этилаётган қўпоровчилик ҳаракатлари таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси истиклолнинг дастлабки йилларидан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масаласида ўз позициясига эга бўлиб, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йил 26–27 март кунлари пойтахтимизда Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясининг ўтказилиши минтақа давлатларининг тинчлиги ва тараққиёти учун кенг имкониятлар эшигини очган ҳолда, уларнинг биргаликда умумий муаммоларни ҳал этишга қодирлигини намоён қилди.

– Ҳар қандай кўринишдаги терроризм ва экстремизм хавфсизликка таҳдид солаётган офатдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Учқун Рўзиев. – Бугунги учрашувда мавзу бўйича зарур ахборотга эга бўлдик. Ҳудудларда аҳоли билан ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, давра суҳбатларида вояга етмаганларни экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик таъсирига тушиб қолишдан ҳимоя қилиш лозимлиги тушунтирилмоқда. Жазони ўташ муассасаларидан озодликка чиққан, тузалиш йўлига ўтган шахслар билан суҳбатлар ўтказилиб, соғлом муҳитга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Бу борада соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти фуқароларга етказилмоқда.

Тадбирда терроризмга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асослари, бу борада ҳамкорликни таъминлаш ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга тааллуқли масалалар ҳам муҳокама этилди.

Айниқса, ёш авлоднинг терроризм ва тажовузкор экстремизм таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича фикр алмашилди.

ЎЗА

Кимлар тижорат асосида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти билан шуғулланиши мумкин?



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом 2-бандининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра, тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Тижорат асосида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

* * *

Йўловчиларни ҳамда юкларни қандай ҳолларда лицензияга эга бўлмасдан ташишга рухсат берилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сонли қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низом 2-бандининг учинчи қисмига мувофиқ аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ҳамда Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-қутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юкларни етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортида Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришга, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига кўра эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг мазкур турларини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган корхоналар ва муассасаларни лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришдан озод этмайди.

**Олий суд катта консультанти
С. АСҚАРОВ тайёрлади**